

Қўзиев И.Н. - ТМИ, проректор, и.ф.н.
Хашимов А.Р. - ТМИ, кафедра
мудири, ф.м.ф.н.
Хашимова Ш.М. – ТМИ, магистр

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ АСОСИДА АУДИТОР ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАТЕМАТИК МЕТОДЛАРИ

Мақолада аудиторлик текшируви натижасида шаклланган аудиторлик ҳисоботи маълумотлари асосида молиявий ҳисбот кўрсаткичларига баҳо бериш ва унинг маълумотларини бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келиши бўйича фикр билдириш масалалари акс эттирилган. Шунингдек, аудиторлик ҳисоботи маълумотлари асосида аудиторлик хulosасини бериш учун иқтисодий-математик моделлаштиришнинг ҳисоблаш усусларидан амалиётда фойдаланиш борасида фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: аудиторлик ҳисбоги, аудиторлик хulosаси, аудиторнинг мижоз раҳбариятига хати, молиявий ҳисбот, аудиторлик далиллар, аудиторлик текшируви, молиявий ҳисботдаги хатоликлар, маълумотларнинг сифат мезони, молиявий натижалар, муҳимлик кўрсаткичи.

В статье отражены вопросы соответствия показателей бухгалтерского учета и финансовой отчетности на основе данных аудиторского отчета. Также представлены мнения и предложения по использованию на практике методов расчета экономика-математического моделирования для представления аудиторского заключения.

Ключевые слова: аудиторский отчет, аудиторское заключение, письмо аудитора руководству клиента, финансовый отчет, аудиторские доказательства, аудиторская проверка, ошибки в финансовой отчетности, критерий качества данных, финансовые результаты, показатели существенности.

The article describes the issues of compliance of accounting and financial reporting indicators on the basis of audit report information. Also, it is given opinions and proposals on the use of methods for calculating economics-mathematical modeling for presentation of an audit report in practice.

Key words: auditor's report, audit conclusion, auditor's letter to the client's management, financial statement, audit evidence, auditing, errors in financial statements, criteria of information quality, financial results, indicators of materiality

Маълумки, аудиторлик текшируви бўйича жамланган аудиторлик ҳисбоги асосида аудиторлик фикри, яъни аудиторлик хulosаси шаклланади. Чунки аудиторлик текшируви натижасида молиявий ҳисбот кўрсаткичларига баҳо берилади ва унинг маълумотларини бухгалтерия ҳисбоги кўрсаткичларига мос келиши бўйича фикр билдирилади. Аудиторлик хulosасининг шаклланишида аудиторлик танлаш жараёни ва танлаш асосида текширувни ташкил қилинишининг муқобил варианти аудитор фикрининг

объективлигига таъсир қиласи. Шу сабабли, муҳим масала, танлаш тартиби ва унинг алгоритмини белгилаш ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисботи ва хулосасини шакллантиришда аудиторнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларини текширишдаги ҳатти-ҳаракатлари кетма-кетлигини қуидаги расм қўринишида тасвирилаш мумкин.

Аудиторлик текшируvida танлаш асосида текшируv ўтказиш кетма-кетлиги

- Молиявий натижаларни текширишда аудиторлик танлаш жараёнини режалаштириш
- Танлов элементларига нисбатан аудиторлик жараёнлари ва амаллари
- Танлов натижалари таҳлили, аудиторлик ҳисботида хусусийликдан умумийликка нисбатан маълумотларни қўлланиши
- Текширишнинг мақсадини танлаш ва аудиторлик танлови ҳажмини белгилаш
- Текшириладиган жамланма ҳажмини белгилаш
- Танлов натижаси билан аудиторлик далилларини етарлилигини ўзаро таққослаш

1-расм. Аудиторлик текшируvida танлаш асосида текшируv ўтказиш алгоритми

Текшириладиган объектлар сонини аниқлашда танлаш асосида текширишни қўллаш имкониятларига тааллуқли шартларнинг бажарилишини таҳлил қилиш зарур. Умумий жамланма ҳажми, ҳар бир объектни бир хиллаштириш имконияти, ҳисбот даврини қамраб олиш ва ҳоказолар ана шундай шартлар ҳисобланади.

Бундан ташқари, аудиторлар томонидан текшируv жараёнини назорат қилиш чоғида ҳам текширилаётган хўжалик юритувчи субъект фаолияти бўйича даромад ва харажатлар аудити натижаларини баҳолаш керак[3]. Масалан, молиявий ҳисботнинг барча муҳим соҳалари ҳақиқатдан текширилгани ёки текширилмагани, далиллар тўплаш жараёнини акс эттирувчи иш файллари ва натижалари тузилгани ёки тузилмагани, ялпи ва танлаш асосидаги текшируv хатолари тўғри баҳолангани ёки баҳоланмагани, ҳар бир объект бўйича хулосалар умумлаштирилгани ёки умумлаштирилмагани, хулосалар ёки иш натижалари мос келиши ёки мос келмаслиги, улар аудиторлик фикрини тасдиқлаши ёки тасдиқламаслигини назорат қилиш лозим. Бизнинг фикримизча, ушбу танлаш услублари кўп омилларга боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида маълум кетма-кетлик асосида амалга ошириш ва уни алгоритмини амалга

оширилишда аудиторлик текширувларини белгилаш мұхим ахамияттаға эга. Масалан, танлов элементларында нисбатан аудиторлик жараёнлари ва процедуралари, танлов текширувлари натижалари таҳлили, асосий жамланмага нисбатан маълумотларни тарқатиш ва бошқалар.

Текшириш учун танланадиган объектларни аниқлаш учун қуидаги услублардан фойдаланиш мүмкін:

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг якуний молиявий натижалари бўйича хато ва бузилишлар – фойда ёки заарга таъсир кўрсатишини таҳлил қилиш ҳамда миқдорий баҳолаш текширилаётган хўжалик юритувчи субъект молиявий натижаларини текширишнинг якуний даврида мұхим босқич ҳисобланади. Хатоларнинг умумий ҳажмини даромад (зарар) учун мўлжалланган мұхимлилик даражаси билан таққослаш ва молиявий натижалар салмоғини тузатиш зарурлиги хусусида қарор қабул қилиш лозим. Аудитор текшириш натижаси бўйича маълумотларни умумлаштириб, хатолар ва уларнинг молиявий натижаларга таъсири баҳоланганидан сўнг мижоз раҳбариятига маълум қилиш учун тегишли раҳбариятга хатни тайёрлайди.

Мижоз раҳбариятига ёзма ҳисбот мазмунининг нусхасини аудиторлик фирма ички стандартлари шаклида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Аудиторлик фаолияти қонунчилиги ва миллий стандартлари талабларига мувофиқ очиб берилиши шарт бўлган масалалар бундан мустасно. Одатда, аудиторлик хulosаси шакли ва мазмунига қўйиладиган ягона талаб аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида кўзда тутилади. Шу тариқа ўтказилган текширув натижалари бўйича қуидаги хulosаларга келиш мүмкін. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижалари мижознинг самарали фаолият юритишини ифода этади ва мажбурий аудиторлик текшируви объектига айланади. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект фаолияти, бухгалтерия ҳисобининг юритилиши ва молиявий ҳисботнинг ўзига хос хусусиятлари даромад ва харажатларини мижоз фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари сифатида кўриб чиқишиңи тақозо этади. Шу боис, аудиторлик текширувини режалаштириш ва ташкил этиш, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижалари аудитини ўтказиша аудиторлик жараёнларини танлаш ва қўллаш мұхим ахамият касб этади.

Одатда, ташқи аудитор томонидан тўпланган маълумотлар сифати мұхим ўрин тутади. Шу жумладан, уларнинг қанчалик даражада ишончли тўпланиши аудиторнинг фикрига таъсир қиласи. Бухгалтериянинг ташқи аудит томонидан олинган ахборотлар сифатини баҳолашда аудитор объектив мезонлар асосида баҳо беради ва натижада аудиторлик риски белгиланади.

Молиявий ҳисботдан фойдаланувчилар учун қўпроқ ахборот таъминоти учун объектив мезонлар асосида унинг ҳисоб-китобларини асослаган ҳолда таъминлаш лозим. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда математик моделлар асосида бухгалтерия ахборотлари сифатини баҳолаш методикаси соҳасида илмий изланишлар олиб борилиб, аудиторлик риски даражасини

минималлаштиришга эришиш бўйича математик ҳисоб-китоблар қилинди ва бунда қуйидаги объектив мезонларга риоя этилиши белгилаб олинди.

Текшириш учун танланадиган объектларни аниқлаш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мумкин, яъни, ишончлилик, тўғрилик, ўз вақтидалик ва тўлиқлик мезонлари. Шу сабабли юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда бухгалтерия ахборотларини ўрганишдаги объективликни сақлаш учун ишончлилик ва тўғрилик мезонларидан фойдаланиб таҳлил қилиш усулини кўриб чиқамиз.

Агарда ахборотларда ўта муҳим хатоликлар учрамаса, у ҳолда ахборотлар ишончли дейилади. Молиявий ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг аудиторнинг текшириш даврида олган кўрсаткичларига мос келмаслиги хатоликлар деб қабул қиласиз. Шу сабабли, ишончлилик кўрсаткични биз олинган маълумотларнинг нисбий хатолиги сифатида аниқлашимиз мумкин.

Демак, ахборотларнинг ишончлилик кўрсаткичларни ҳисоблаш учун қуйидаги ($\chi_1 \in [0;1]$)

$$\chi_1 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \frac{|X_i - X_i^*|}{|X_i^*|} \quad (1)$$

формуладан фойдаланиш мумкин. Бу ерда бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотлар аудитор томонидан аниқланган маълумотлардан 2 мартадан кўп фарқ қилиши керак эмас. Бу ерда n – молиявий ҳисботи кўрсаткичларининг сони; X_i – бухгалтерия маълумотларига асосан молиявий ҳисботдаги i кўрсаткич қиймати (минг сўмда); X_i^* – аудитор маълумотларига асосан молиявий ҳисботдаги i кўрсаткич қиймати (минг сўмда).

Маълумки, ахборотларнинг тўғрилигини аниқлашнинг турли мезонлари мавжуд бўлиб, биз молиявий ҳисботларнинг тўғрилик кўрсаткичини аниқлашда Стъюдент мезонидан фойдаланамиз[4] ($\chi_2 \in [0;1]$)

$$\chi_2 = \frac{|M_1 - M_2|}{\sqrt{m_1^2 + m_2^2}}. \quad (2)$$

Бу ерда M_1 – бухгалтерия маълумотларига асосан корхонанинг умумий даромади; M_2 – бухгалтерия маълумотларига асосан корхонанинг умумий харажати; $m_i = \frac{\sigma_i}{\sqrt{n_i}}$ – ўрганилаётган i катталик ўртacha арифметик қийматининг ўртacha хатолиги; $\sigma_i = \sqrt{X_i^2 - (\bar{X}_i)^2}$ – ўртacha квадратик четланиш; n_i – ўрганилаётган i катталик ҳажми (бу ерда $i = 1; 2$).

Юқоридаги мезонларга асосланган ҳолда бухгалтерия ахборотлари сифатининг умумий баҳосини шакллантириш учун λ – муҳимликка асосланган интеграл мезондан ($\chi \in [0;1]$) фойдаланамиз.

Молиявий ҳисботдаги ахборотларнинг интеграл мезонни аниқлашда аудиторнинг фикрига асосланган ҳолда ҳар бир мезоннинг салмоғи эътиборга

олиниб қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$\chi = \sum_{i=1}^s v_i \chi_i . \quad (3)$$

Бу ерда χ_i – молиявий ҳисобот маълумотлари сифатини аниқлашдаги i хусусий мезон қиймати; v_i – молиявий ҳисобот маълумотлари сифатини аниқлашда i хусусий мезоннинг салмоғи.

Аудитор интеграл мезонга асосланган ҳолда қуидагича хulosса чиқариши мумкин: а) агар $\chi > \lambda$ бўлса, у ҳолда аудиторлик хulosаси салбий; б) агар $\chi < \lambda$ бўлса, у ҳолда аудиторлик хulosаси ижобий бўлади.

Ижобий берилган аудиторлик хulosасини классификациялаш аудиторлик текширувининг сифатини янада оширади. Бунда иккинчи даражали мезонларни (тўғрилик ва ўз вақтидалик мезонлари) ҳисобга оловчи назорат мезонидан ($\chi_{назорат} \in [0;1]$) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу назорат мезони қуидагича аниқланади:

$$\chi_{назорат} = \sum_{i=2}^s v_i^* \chi_i . \quad (4)$$

Бу ерда $v_i^* = \frac{v_i}{\sum_{i=1}^s v_i}$. Агар $\chi_{назорат} = 0$ бўлса, у ҳолда ахборот сифати 100%.

Назорат мезони асосида хulosса қуидагича чиқарилади: а) агар $\chi \leq \lambda \leq \chi_{назорат}$ бўлса, у ҳолда аудиторлик хulosаси модификацияланган бўлади;

б) агар $\begin{cases} \chi \leq \lambda, \\ \chi_{назорат} \leq \lambda \end{cases}$ бўлса, у ҳолда аудиторлик хulosаси ижобий бўлади.

Мазкур математик моделлаштириш формулалари асосида «Тошкент дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2015 йилдаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва аудиторлик текшируви маълумотлари асосида аудиторлик хulosасини бериш учун иқтисодий-математик моделлаштиришнинг ҳисоблаш усусларидан фойдаланилган. Биз қуида бу ўрганиш натижаларини келтириб ўтамиз.

1-жадвал

«Тошкент дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2015 йилдаги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисбот маълумотларини текшириш натижалари

№	Кўрсаткичлар	Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, минг сўм	Аудиторлик текшируви маълумотлари бўйича, минг сўм	Фарқи (+ -), минг сўм
1	Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) сотишдан соғ тушум	106967250,9	107502086,9	-534836
2	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизматлар)нинг таннаҳии	96161441,9	96642248,9	-480807

№	Кўрсаткичлар	Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, минг сўм	Аудиторлик текшируви маълумотлари бўйича, минг сўм	Фарқи (+ -), минг сўм
3	Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	10805809	10859838	-54029
4	Давр харажатлари	9185301,9	9185301,9	-
5	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	595677,1	590912,1	+4765
6	Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	2216184,2	2265448,2	-49264
7	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	77764,5	73876,5	+3888
8	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	1213522,5	1219590	-6067,5
9	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	1080426,2	1119734,7	-39308,5
10	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	1080426,2	1119734,7	-39308,5
11	Даромад (фойда) солиғи	241416,1	246341,2	-4925,1
12	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	65835,9	67184,9	-1349
13	Ҳисобот даврининг соғ фойдаси	773174,2	806208,6	-33034,4

Демак, ахборотларнинг ишончлилик қўрсаткичи қўйидагича ҳисобланади.

$$\chi_1 = \frac{1}{8} \left(\frac{534836}{107502087} + \frac{480807}{96642249} + 0 + \frac{4765}{590912} + \frac{3888}{73876} \right) + \\ + \frac{1}{8} \left(\frac{6067}{1219590} + \frac{4925}{246341} + \frac{1349}{67185} \right) = 0,014 \Rightarrow \chi_1 = 1,4\%$$

Маълумки, ахборотларнинг ишончлилигини аниқлагандан сўнг, унинг тўғрилигини аниқлашнинг турли мезонлари мавжуд бўлиб, биз молиявий ҳисоботларнинг тўғрилик қўрсаткичини аниқлашда Стыодент мезонидан фойдаланамиз.

$$M_1 = 107641, M_2 = 106867, \sigma_1 = \sqrt{X_1^2 - (X_1)^2} = 50266 \Rightarrow m_1 = 29055, \\ \sigma_2 = \sqrt{X_2^2 - (X_2)^2} = 37547 \Rightarrow m_2 = 16837, \\ \chi_2 = \frac{|M_1 - M_2|}{\sqrt{m_1 + m_2}} = 0,023 \Rightarrow \chi_2 = 2,3\%.$$

Юқоридаги мезонларга асосланган ҳолда бухгалтерия ахборотлари сифатининг умумий баҳосини шакллантириш учун муҳимликка асосланган интеграл мезондан фойдаланамиз. Бунинг учун бизга қўйидаги жадвал маълумотлари керак бўлади.

«Тошкент дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2015 йилдаги молиявий ҳисоботларни текшириш ва бухгалтерия ахборотлари сифатининг мезонларини гурухлаш

Молиявий ҳисоботларни текшириш		Бухгалтерия маълумотларининг сифат мезони		
№50 АФМС[2]	№70 АФМС[3]	Ишонч лилик	Тўғри лиик	Аҳамият лилик
Бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисбот кўрсаткичлари	Актив ва мажбуриятларнинг мавжудлиги	+	+	++
	Активлар, мажбуриятлар, хўжалик муомалалари ва ҳодисаларнинг тўлиқ акс этирилиши	+	+	++
	Актив ва мажбуриятларнинг мос қийматларда акс этирилиши	+	+	++
	Хўжалик муомалалари ва ҳодисаларнинг аниқ суммаларини акс этирилиши	+	+	++
	Даромад ва харажатларнинг тегишли даврларда акс этирилиши	+		+
Молиявий хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида конунчилик талабларига риоя этилиши	Активлар, мажбуриятлар, хўжалик муомалалари ва ҳодисаларнинг тўлиқ акс этирилиши	+	+	++
	Актив ва мажбуриятларнинг мос қийматларда акс этирилиши	+		+
	Хўжалик муомалалари ва ҳодисаларнинг аниқ суммаларини акс этирилиши		+	+
	Даромад ва харажатларнинг тегишли даврларда акс этирилиши	+	+	++
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилиги	Активлар, мажбуриятлар, хўжалик муомалалари ва ҳодисаларнинг тўлиқ акс этирилиши	+	+	++
	Актив ва мажбуриятларнинг мос қийматларда акс этирилиши			
	Хўжалик муомалалари ва ҳодисаларнинг аниқ суммаларини акс этирилиши	+	+	+
	Даромад ва харажатларнинг тегишли даврларда акс этирилиши	+	+	++
Активларнинг бутлигини текшириш	Актив ва мажбуриятларнинг мавжудлиги	+	+	++
	Активлар, мажбуриятлар, хўжалик муомалалари ва ҳодисаларнинг тўлиқ акс этирилиши.		+	+
	Актив ва мажбуриятларнинг мос қийматларда акс этирилиши	+		+
Сифат мезонларининг микдори		13	12	25
Сифат мезонларининг салмоғи		13/16	12/16	25/16

Молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг интеграл мезонини аниқлашда аудиторнинг фикрига асосланган ҳолда ҳар бир мезоннинг салмоғи эътиборга олинади.

З-жадвал

**«Тошкент дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2015 йилдаги
молиявий ҳисобот маълумотлари асосида муҳимлилик даражаси
кўрсаткичини ҳисоблаш**

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили кўрсаткичлари минг сўм	Муҳимлик даражаси %	Муҳимлик даражаси кўрсаткичлари минг сўм
Узоқ муддатли активлар	19349624	3,0	580488,7
Жорий активлар	86326920	2,0	1726538,4
Ўз маблағлари манбалари	23364859	3,0	700945,7
Мажбуриятлар	82311685	2,0	1646233,7
Махсулот сотишдан тушум	106967250,9	10,0	10696725,1 (-)
Ишлаб чиқариш таннархи	96161441,9	3,0	2884843,2
Соф фойда	773174,2	2,0	15463,5 (-)
Муҳимлиknинг ягона суммаси			1507809,9
Муҳимлиknинг нисбий даражаси (%)			8,26

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда интеграл ва назорат мезонларини ҳисоблаш учун ҳар бир кўрсаткичининг салмоғини эътиборга олиш керак бўлади. Бу ерда ишончлилик кўрсаткичи даражасининг умумий кўрсаткичлар ичидаги салмоғи ν_1 , тўғрилик кўрсаткичи даражасининг умумий кўрсаткичлар ичидаги салмоғи ν_2 эътиборга олиниши керак.

«Тошкент дон маҳсулотлари» АЖ учун $\nu_1 = \frac{13}{16}$, $\nu_2 = \frac{12}{16}$

$$\chi = \nu_1 \chi_1 + \nu_2 \chi_2 = \frac{13}{16} \cdot 1,4 + \frac{12}{16} \cdot 2,3 = 2,8; \quad \chi_{\text{назорат}} = \frac{\nu_2}{\nu_1 + \nu_2} \chi_2 = \frac{\frac{12}{16}}{\frac{13}{16} + \frac{12}{16}} \chi_2 = \frac{12}{25} \cdot 2,3 = 1,1.$$

«Тошкент дон маҳсулотлари» АЖда муҳимлик кўрсаткичи 8,26% ни ташкил этган, яъни, $\lambda = 8,26$.

Бухгалтерия маълумотларига асосан ахборотларнинг ишончлилик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун қуйидаги манбаларга эга бўлишимиз керак.

Юқоридаги натижаларни қуйидаги жадвалга жойлаштирамиз ва бу жадвал асосида аудиторлик хulosаларини чиқарамиз.

Кўрсаткичлар	“Тошкент дон маҳсулотлари” АЖ
$\chi_1 \%$	1,4
$\chi_2 \%$	2,3
$\chi \%$	2,8
$\chi_{нэзорат} \%$	1,1
λ Муҳимлик %	8,2
Аудитор фикри	ижобий

Демак юқорида таъкидлаб ўтилган математик формулаларга асосан қўйидагича хulosса чиқаришимиз мумкин, яъни:

- агар $\chi > \lambda$ бўлса, у ҳолда аудиторлик хulosаси салбий;
- агар $\chi < \lambda$ бўлса, у ҳолда аудиторлик хulosаси ижобий бўлади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда “Тошкент дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятини текшириш якунида $2,26 < 8,26$ кўрсаткичи чиқсанлигини қўришимиз мумкин бунда, ижобий аудиторлик хulosаси берилган.

Аудиторлик ҳисоботи кўрсаткичлари асосида математик моделлаштиришнинг формулаларидан фойдаланиш натижасида ишончлилик ва тўғрилиги кўрсаткичлари коэффициентларининг “Тошкент дон маҳсулотлари” АЖ маълумотларига ишлов бериш натижасида аудиторлик хulosасини шакллантиришнинг математик аппарати ишлаб чиқилди ва шу орқали маълумотларни таҳлил қилиш билан аудиторлик далилларига баҳо берилади ва хulosса автоматик тарзда шаклланади.

Натижада аудиторлар томонидан бериладиган аудиторлик хulosасини тайёрлаш учун сарфланадиган меҳнат ва вақтнинг тежалишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май.
- №50 “Аудиторлик далиллар” номли Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти. -Т.:ЎБАМА, 2013.
- №70 “Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хulosаси” номли Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 9 ноябрдаги 85-сон буйруғи.
- Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012. 1 қисм, 3-жилд. -Т.: ЎБАМА, 2014.-1502 б.
- Гмурман В. Е. Теория вероятностей и математическая статистика. - М.: Высш. шк., 2003. -479 с.